

100 минг йил қабрда яшасам нима қиламан?



12:46 / 25.08.2025 3974

Доктор Айман Сувайд шундай деди: «Мен сизга ўзим кўп фойда топган ва ибодатимга кўпроқ эътибор қаратишимга сабаб бўлган усулни тавсия қиламан. Қабр қўрқинчли! Албатта солиҳ бўлмаганлар учун. Мен ҳозир 42 ёшдаман дунё ва ундаги нарсаларни ёмон кўраман.

100 минг йил қабрда яшасам нима қиламан? Тасаввур қилганмисиз? Шундай қилиб, мен шундай бошладим. Мен вафот этаман ва бўш қабрим бор, қора ҳамда бутунлай қоронғи. Бу қабрга мебел керак бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир истиффор ва ҳар бир тавбани гўё қабримга у ерда мени ёлғизлигимда кутиб оладиган ҳамсуҳбат бўлиши учун юбораётгандай тасаввур қилдим. Аллоҳга қасамки, ҳазиллашаётганим йўқ. Тўлиқ жиҳозлаш жараёнини бошладим. Тасбеҳ айтарканман гўёки қабримнинг ҳар тарафини минглаб тасбеҳлар билан тўлдираман. Мана менинг

бошимдан камида 300 та Қуръон хатми бор. Мен ўқиган ҳар бир ракат намоз, уни қабрга қўйганимни тасаввур қиламан. Ҳамма мени ташлаб уйга қайтади. Ёлғиз қоламан, балки миллион йил. Шундай қилиб, менга нур ва дарахтлар керак чунки қабрим ҳақиқатан ҳам жаннат бўлиши керак. Тасаввур қиламанки, атрофимда ҳавқала (Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳил алиййил азийм), зикр, Қуръон, ташаҳҳуд ва садақаларим бор, у ерда биз улар билан кулишамиз, суҳбатлашамиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган салаотларим келади ва бизнинг суҳбатимизга қўшилади. Ҳаёт қандай ажойиб ҳаёт! Мен у ерга тушиб, ғийбат ва гап ташишликка дуч келганимдан ва барча ишларим дунё талаби учун қилинганлигини кўрганимдан, Аллоҳ учун қилган ҳеч нарсам йўқ ва мени ташвиш, азоб, калтак, қоронғулик, қаттиқ ҳисоб-китобдан бошқа ҳеч нарса кутмаслигидан яхши эмасми?

Бугун сизга маслаҳатим қабрингизни банк қилинг. Унга сармойангизни қўйинг. Ибодатларингизга қаттиқ эътибор беринг. Аллоҳга қасамки, қабрингизда ҳам менга раҳмат айтасиз. У ерга дунёдан кўра кўпроқ эътибор қаратинг. Ҳозир сиз ўз оилангиз орасида кийиниб, еб-ичиб, ухлаб, хурсандчиликлар қилиб юрасиз. Сизнинг барча талабларингиз муҳайё, шунга қарамай аҳволимизни ёмон кўрамиз. Қабр остида шундай бўлса-чи? Шунинг учун ҳар бир тасбеҳга яхши эътибор беринг ва унга айтинг мендан олдин у ерга қабримга бориб тургин. Биз учрашамиз ва сен менга энг зўр ҳамсуҳбат ва энг яхши ҳамроҳ бўласан!»

Манба: [@mehrob_uz](https://t.me/mehrob_uz)

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 22 июлдаги 03-07/4389-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.